

ФОРСИЙ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАР ВА УЛАРДАГИ ШАКЛДОШ ТИЛ БИРЛИКЛАРИ (“ҒИЁС-УЛ-ЛУҒОТ” АСОСИДА)

МАХАМАДАЛИЕВ ХИСЛАТ

Филология фанлари номзоди, доценти ЎзДЖТУ

Аннотация. Мазкур мақолада XIX асрга қадар яратилган форсий изоҳли луғатлар ва улардаги форс, араб тил бирликлари ичида тенг келиб қолган омонимик муносабатни ҳосил қилувчи туркий сўзлар хусусида сўз боради. Шунингдек, омонимиянинг турли кўринишлари ҳақида маълумот берилади.

Таянч сўз ва иборалар: изоҳли луғатлар, луғат мақола, омонимия, омоформа, омофон, омограф.

Аннотация. В данной статье речь идёт о тюркских словах, которые образуют омонимические отношения, ставшие равнозначными внутри языковых единиц арабского и персидского языков в персидских толковых словарях, созданных до XIX века нашей эры. Также даются сведения о различных видах проявления омонимии.

Опорные слова и выражения: толковый словарь, словарная статья, омонимия, омоформа, омофон, омограф.

Abstract. In this article the question discusses the Turkic words that form the homonymous relations which have become interchangeable units within the languages of Arabic and Persian in Persian explanatory dictionaries, which were created before the XIX century AD. Besides, it is provided some information about different types of manifestations of homonyms.

Keywords and expressions: explanatory dictionary, dictionary entry, homonymy, homomorph, homophone, homograph.

Тилимиз тарихини ўрганишда аждодларимиз қолдирган бой маънавий-маърифий ме-росларимиздан бўлган қадимий луғатларнинг ўрни бекиёс. Луғатчилигимиз ўзининг узоқ тарихи ва бой анъанасига эга. Луғатшунослик тарихига назар ташланар экан, уларни яратиш-да муайян мақсадлардан келиб чикиб иш кўрилгани маълум бўлади. Шу туфайли, кўп-лаб оригинал, бири иккинчисини такрорламай-диган муҳим аҳамиятга молик луғатлар яратил-ган. Луғатлар ўз даврига хос халқлар ўртасида-ги моддий, маънавий муносабатларни акс эттирувчи асосий манбадир. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари узоқ асрлар мобайнида Ҳиндис-тон халқлари билан яқин муносабатда бўлиб келган. Бу муносабатлар замирида бир қанча луғатлар юзага келган.

Ҳиндистонда тил бойликларини намоиш этадиган, сўзлар ганжинаси шарҳи ва изоҳ-ларидан иборат бўлган Бобур ва бобурийлар сулоласи билан бевосита боғлиқ беҳисоб та-рихий изоҳли луғатлар яратилди. Заҳирид-

дин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар суло-ласи вакиллари ўз ватанидан йироқда яшаш-ларига қарамай, она тилларини сақлаб қо-лиш мақсадида астойдил ҳаракат қилганлар. Бу эса, Ҳиндистонда эски ўзбек тили ва ада-биётига бўлган ижобий муносабат юзага келганлигини кўрсатди. Ўша давр ижтимоий ҳаётида форс, араб, ҳинд сўзлари билан бир қаторда туркий сўзлардан ҳам фаол фойда-ланиб келинган. Бунга сабаб халқ ҳаётидаги ва ҳарбий ишга оид кўпгина асбоблар, ту-шунчалар, урф-одатни англатадиган сўзлар-нинг туркий эканлиги эди. Бобур Мирзо ва унинг атрофидаги турли тоифага мансуб шахслар, уларнинг авлодлари Ҳиндистонда бундай сўзларни қўллашда фаоллик кўрсат-ганлар. Натижада туркий сўз ва терминлар Ҳиндистондаги алоқа-аралашув, яъни халқ тилига сингиб кетган. Бу эса луғатлар тузиш жараёнида туркий сўзларни ҳам инобатга олишни тақозо этарди. Жумладан, мисол та-риқасида Рой Текчанди Баҳорнинг “Баҳори

Ажам”, Хусайни Вафойининг “Фарҳангнома”, Сирожиддин Алихони Орзуниинг “Чароғи ҳидоят” ва “Сирож-ул-луғот”, “Луғоти турки”, Хусайни Инжуниинг “Фарҳанги Жаҳонгири”, Муҳаммад Лодниинг “Муайид-ул-фузало”, Муҳаммад Хусайнининг “Бурҳони қотей”, Мулло Абдуррашиддининг “Мунтахаб-ул-луғот”, Муҳаммад Ғиёсуддиннинг “Ғиёс-ул-луғот” каби луғатларни келтириш мумкин. Бобур ва бобурийлар Ҳиндистонда 100 дан ортиқ луғат ва асарлар яратиб, эски ўзбек тилининг ривожланиши, тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Бобурнинг эски ўзбек тилида яратган асарлари (“Бобурнома”, “Ҳинд девони” шеърӣ тўплами ва ҳ.) фикримизнинг далилидир. XIX асрга қадар яратилган беҳисоб лексикографик манбалар ичида Муҳаммад Ғиёсуддиннинг “Ғиёс-ул-луғот”и ўз даврининг машҳур асари бўлиб, гарчи Ҳиндистонда форс тилида яратилган бўлса-да, унда араб, форс, ҳинд ва юнон сўзлари билан бир қаторда ижтимоӣ ҳаётнинг барча соҳаларига тегишли бўлган кўплаб туркий сўзлар ҳам мавжуд (улар 1000 га яқин).

Ушбу луғатнинг муаллифи Муҳаммад Ғиёсуддин мадраса мударриси бўлган. Олим 14 йил тинимсиз меҳнати натижасида 1242 йил ҳижрий (1827 мелодий)да Ҳиндистонда “Ғиёс-ул-луғот” асарини яратди. “Ғиёс-ул-луғот” 17537 луғат мақоласини ўз ичига олган форсий изоҳли луғатдир. “Ғиёс-ул-луғот” бир неча бор Ҳиндистонда, Тошкент ва Когонда ҳам нашр қилинган.

Маълумки, эски ўзбек тилининг Мовароуннаҳр ва Хуросонда шаклланиши ва илдам ривожланиши Темурийлар ҳукмдорлигининг сўнгги даврларига тўғри келади. Бу даврда, яъни XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган мутаффақир шоир Алишер Навоӣ эски ўзбек адабий тилининг янада такомиллашуви ва давлат тили даражасига кўтарилишига катта ҳисса қўшганлиги айна ҳақиқат¹. Навоӣ ўзи-

нинг асарларида, айниқса “Муҳокамат-ул-луғатин”да туркий тилни форс тили билан қиёслаб, унинг форс тилидан қолишмаслигини, ҳатто, ўрни келганда, унинг устунлигини мисоллар таҳлили асосида кўрсатиб берди. Шу даврда яшаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ҳам эски ўзбек тилида асарлар яратиб, ўзбек тили ва адабиёти тарихида катта из қолдирди. XVI аср бошларида Бобур Ҳиндистонни забт этди. Туркий халқлар у ерда ўз тили ва маданиятини тарқата бошладилар. Бу эса ўз навбатида Ҳиндистонда асосӣ алоқа қуроли бўлган форс тилига ўз таъсирини ўтказди. Аниқроғи, форс тили таркибига туркий сўз ҳамда терминларнинг кириб келишига сабаб бўлди².

Проф. С.Азимжонованин таъкидлашича, Бобур ҳамда кейинчалик Ҳумоюн саройидаги Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдан келган баъзи шоирлар ўз асарларини эски ўзбек тилида яратдилар. Бобурнинг ўғиллари: Ҳумоюн Мирзо (1530-1556 йилларда ҳукмронлик қилган) ва Комрон Мирзолар (1556-1562) ҳам туркий тилда ижод қилганлар. Ҳумоюн ва Комронлар туркий тил, яъни эски ўзбек тилини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар³. Аммо Бобурнинг эвараси Акбаршоҳ (1556-1605) эски ўзбек тилини иккинчи адабий тил сифатида сақлаб қолишга интилмади. Натижада барча давлат ишлари ва иш юритиш ҳужжатлари форс-тожик тилида олиб борилди. Акбаршоҳ даврида эски ўзбек тилида битилган “Бобурнома” ва бошқа тарихий асарлар форс тилига таржима қилинди.

Бобурийлар сулоласининг сўнгги ворисларидан бири Абу Музаффар Муҳиддин Аврангзеб Оламгир (1658-1707) эски ўзбек тилига алоҳида эътибор берди. У бобоси Бобурнинг туркий (ўзбек) тилнинг бадиӣ ада-

¹ Бу ҳақда қаранг: Хусайн Бойқаро. Рисола. (нашрга тайёрловчилар: Алибек Рустам, Каримбек Хасан) –

Т.: Шарқ, 1991. 12-13-бетлар; А.Алиев, Қ.Содиқов. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. 10-11-бетлар.

² Қаранг: А.Алиев, Қ.Содиқов. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. 21-26-бетлар.

³ С.Азимжорова. Индийский диван. –Т.: Фан, 1996, – С.67.



доннинг номи, **بربر** (73) бир-бир – сон; **سگز** (270) сагз – ёнидан Синд дарёси оқиб ўтувчи Каж ва Макрон оралиғидаги Зобулистондаги тоғнинг номи, **سگز** (270) саккиз – саккиз.

От ва феъл ўргасида: **آل تمغا** (9) алтамға – подшоҳ муҳри, **آل تمغا** (9) алтамға – ерни бахшида этиш; **تركتاز** (115) тўрктаз – сипоҳлар, босқинчилар, **تركتاز** (115) тўрктаз хужум қилмоқ;

Бундай омонимларга турли қўшимчалар қўшилиши мумкин. Аниқроғи бунда эгалик, келишик аффикслари феълларга эса тусловчи аффикслар қўшилади. Шунга кўра улар омонимик муносабатга киришмайди.

3. Омофонлар. Булар айтилиши бир хил, аммо ёзилиши фарқли бўлган сўзлардир, яъни бундай сўзларни ёзувдаги ифодаси бир ҳарф билан фарқ қилади. Қиёсланг: **اياغ** (60) айағ – май косаси, **اياق** (60) айақ – оёқ; **الش** (45) ўлўш – қисм, **الش** (45) ўлўш – амирлар олдидадан навкарларга бериладиган таом; **يولچى** (569) йолчы – йўл соқчиси, **يولچى** (569) йолчы – гадоё; **تزىك** (118) тўзўк – тартиб, **توزىك** (118) тўзўк – мажлис;

4. Омографлар. Айни сўзлар ёзилиши жиҳатидан бир хил, аммо айтилишига кўра фарқ қилади. Масалан: **ايل** (60) ил – йил, **ايل** (60) эл – эл; **بوتە** (89) бота – туя боласи, **بوتە** (89) бута – кичик дарахт; **قرق** (387) қарқ – думба, **قرق** (387) қорук – кўрикланиш; **قزل** (389) қызыл – қизил, **قزل** (389) қазал – маймоқ.

Омонимик муносабатдаги сўзларнинг бири туркий, иккинчиси бошқа тил бирлиги бўлиши мумкин. Масалан: **سو** (279) су (форс тили) – тараф, **سو** (279) су (туркий тил) – сув; **انا** (51) ана (туркий тил) – она, **انا** (51) ана (араб тили) – мен; **بال** (65) бал (туркий тил) асал, **بال** (65) бал (араб тили) – қифтдан то тирноқча ва елкадан тирноқча бўлган жой; **باديه** (67) бадийа (туркий тил) – коса, **باديه** (67) бодийа (форс тили) – сахро; **كوز** (419) кўз (туркий тил) – кўз, **كوز** (419) куз (араб тили) – кўза.

Шундай қилиб, “Ғиёс ул-луғот” да шаклан бир хил, мазмунан ҳар хил сўзлар – омонимлар кўп учрайди. Улар бир тилга ва турли тилларга оидлиги билан характерланади.

